

Пулатова Дилобар Ибрагимовна

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани

560-сонли Давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган МТТ тарбиячиси

Pulatova Dilobar Ibragimovna

Yunusabad district of Tashkent city

№ 560 State Multidisciplinary Specialized PEO Educator

CLASSES WITH CHILDREN WITH SPEECH IMPEDIMENTS

Annotation: The article describes speech defects as a result of cognitive impairment in mentally retarded children, as well as the peculiarities of speech development in mentally retarded children.

Keywords: mental retardation, speech impediment, speech therapist, correctional work.

НУТҚИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАШҒУЛОТЛАР

Аннотация: мақолада ақли заиф болаларнинг билиш фаолиятининг бузилишлари натижасида нутқидаги нуқсонлари ҳамда ақли заиф болаларда нутқ ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлари: ақли заиф, нутқ нуқсони, логопед, коррекцион ишлар.

Бола шахсининг ҳар томонлама ривожидида нутқ бенуқсонлигининг аҳамияти катта. Чунки нутқ - кишилараро алоқа куроли, барча соҳаларда кудратли муомала воситасидир. Нутқ болаларда аста секин ривожланади. Болалар ўсиб ривожланган сари нутқи ҳам ривожланиб боради. Болаларнинг нутқи маромида бўлиши учун бош мия пўстидаги нутқ маркази тўлиқ ривожланган бўлиши, уларнинг сезги органлари-эшитиш, кўриш, таъм билиш, хид билиш, тери сезгиси ҳам етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Айниқса нутқни ҳаракатга келтирувчи ва нутқни эшитувчи анализаторларнинг ривожланиши жуда муҳимдир. Агар бола янги, аниқ таассуротлар олиб турмаса, унинг ҳаракатлари ва нутқининг ривожланиши учун зарур шароит яратиб берилмаса, унда боладаги жисмоний ва рухий ривожланиш тормозланади. Болани жуда ёшлигидан бошлаб нарсаларни

танишга, атрофдагиларнинг овозини эшитишга ўргатиб бориш керак. Бу билан эса биз бола нутқининг ривожланишига ёрдам берган бўламиз.

Бола икки ёшга кирганда, унинг луғат бойлиги 250-300 тага етади. Баъзи болаларда 400 тага ҳам етиши мумкин. Бу даврда боланинг маъноли нутқи ҳам ривожлана бошлайди. Энди уларнинг гапи биргина сўздан иборат бўлмай, балки бир неча сўзлардан иборат бўлиб, содда гап шаклида ифодаланади. Бола нутқининг ривожланиш жараёни ўз вақтида тўғри кечиши учун махсус шароитлар лозим бўлади, бола психик ва соматик жиҳатдан соғ бўлиши; нормал аклий қобилиятга эга бўлиши, нормал эшитиши ва кўриши керак; етарли даражада психик фаолликка эга бўлиши, гаплашишга эҳтиёж сезиш ва тўғри нутқ мухити шароитида бўлиши лозим.

Демак, нутқининг тўғри таркиб топиши атрофдагилар нутқига, нутқий тажрибага, тўғри нутқ мухити ва таълим-тарбияга боғлиқ. Лекин баъзи сабаблар туфайли бола нутқи ривожланиши сустлашади, орқада қолади.

Болалик шундай даврки, бу вақтда шахснинг энг мухим сифатлар юзага келишига ҳамда унинг муносабатларини шаклланишига замин яратилади. Болалар боғчасининг таълим-тарбия дастурида оғзаки нутқининг, яъни луғат бойлигининг ошиб боришини, нутқининг грамматик жиҳатдан тўғри тузилишини, товуш талаффузини хар томонлама ривожлантириш назарда тутилади. Ривожланишида нуқсонли бўлган болалар орасида нутқ бузилишларига эга бўлган болалар кўпчиликни ташкил этади. Шунин учун болалардаги нутқ нуқсонларини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Чунки нутқий патология - бу инсоннинг мухим психик функцияларини бузилишидир. Нутқ ривожланиши орқада қолган болалар (НРОҚБ) ташхиси 2-3 ёшгача бўлган болаларга қўйилади. Бу давр - диагностик давр бўлиб, унда боланинг нутқи ривожланмаслигини олдини олиш мақсадида махсус мактабгача таълим муассасаларида диагностик гуруҳлар ташкил этилади. Бу гуруҳдаги болалар ёш даврига кўра нутқ тараккиётининг бир мунча орқада қолиш, луғат бойлиги камлиги, фонематик идрокни ривожланишида бўзилишни мавжудлиги, сенсор ривожланишнинг сустлиги, жумлалар тузилишида қўпол бузилишлар, келишик қўшимчаларини аралаштириб

юборишни, гаплардаги сўзларни охиригача гапирмаслик каби грамматик хатолар учрайди (1-расм).

Диагностик гуруҳдаги нуқсони бор болаларни тахминий ташхиси



Бу ташхисдаги болалар билан олиб бориладиган таълимий-тарбиявий ишлар қуйдагилардан иборат:

- болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, табиат ҳодисалари ҳақидаги билимларини, элементар математик тасаввурларни ўстириш, теварак-атроф, муҳитдаги нарсаларни расм, лойдан яшаш, аппликация, қуриш-яшаш йўли билан тасвирлаш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш, жисмоний тарбия машғулотларида ҳаракат кўринишларини мусиқа машғулотларида ривожлантириш керак.

Логопедик ишнинг бошланғич даврида:

- Нутқ камчиликлари тузилишини анализ қилиш асосида нутқ камчиликларини имкони борича ўз вақтида аниқлаш.

- НРОҚБ ташхисдаги болалар билан олиб бориладиган логопедик ишда дифференциал ёндошиш.

- Нутқ жараёнини шакллантириш билан биргаликда бола тафаккурини ва билиш активлигини, сенсор интеллектини, диққат ва хотирани ривожлантириш машғулотларда турли машқлар вариантдан фойдаланилади.

Бунда асосан диққат бола диққатини ривожлантиришга, ўзига қаратилган нутқни эшитишга қаратилгандир.

Логопед 2-4 сўзлардан иборат бўлган қисқа жумлаларни гапиреди. Жумлалардаги сўзлар турли грамматик формаларда бўлади. Асосий эътибор от ва феълларда бирлик ва кўplik грамматик формаларни ажратишга қаратилади (қалам-қаламлар, копток-коптоклар, ўйинчок-ўйинчоклар).

Бу даврда нутқнинг товуш томонини шакллантириш устида олиб бориладиган ишлардан аввал болада фонематик идрокни ривожлантириш асосий мақсад қилиб олинади. Бунинг учун турли махсус машқларни бажариш тавсия этилади. Берилган махсус сўзни бир қатор сўзлар ичидан топиш. Логопед машина, осмон, сичқон, мушук, кучук сўзларини айтиб боради, бола эса кучук сўзини эшитганда байрокчани кутаради. Товушлар талаффузини шакллантириш бу даврнинг асосий мақсади ҳисобланмайди. Лекин бу даврда айрим артикуляцион машқларни ўтказиш, товушларни тўғри талаффузини аниқлаш, кейинчалик яқка машғулотларга қулай вазият яратган бўлади. Расмлар асосида ишлаш болаларда нутқ малакаларини диққат ва тафаккурини ривожлантиради, логопед томонидан бола нутқига қўйилган товушлар эса мустаҳкамланади. Проф. Л.Р.Мўминова раҳбарликларида илк ёшдаги диагностик гуруҳдаги нуқсонли бор болаларни таҳминий ташхисларга бўлиб чиқдик.

Нутқ - инсонинг мураккаб психологик фаолиятидир. Нутқнинг ривожланишида биологик ва ижтимоий омил асос булади. Нутқ фаолиятини амалга оширишда энг муҳим орган - бош мия, унинг барча анализаторлари ва периферик нутқ органларидир. Бола нутқи шаклланишида ўзига хос кетма-кетлик мавжуд ва у бир неча босқичлардан иборат. Агар боланинг сенсор, мотор (ҳаракат) ва интеллектуал имкониятлари чегараланган, ривожланишида муаммолар мавжуд бўлса, бу камчиликлар нутқ ривожига ҳам уз таъсирларини кўрсатади. В.И.Лубовкинанинг нуқсонли ривожланиш қонуниятлари назариясига кўра, ҳар бир боланинг қандай нуқсонга эга бўлишидан қатъий назар (эшитишида, кўришида, интеллектида, таянч апарати ва ҳ.к.), уларнинг нутқий шаклланишида ҳам камчилик мавжуд

бўлади. Бундай болаларни “хавф-хатар гуруҳига киритиш мумкин, шунинг учун болани илк бор (О-Зёшгача) нутқий ривожланиш” логопедик кўриқдан ўтказиб, унинг нутқий ривожланмаганлик даражасини аниқлаб, эртарок; логопедик ёрдам курсатиш долзарб масала деб билишимиз лозим. Илк ёшдаги болаларни нутқий ривожланиш даражасини логопедик текшириш натижасининг илмий-назарий асосини қуйидаги мезонлар ташкил этади:

- катталарни нутқини идрок этиш даражасини аниқлаш;
- катталарни нутқини тушуниш даражасини аниқлаш;
- пассив ва актив луғат захирасининг даражасини аниқлаш;
- товуш талаффузининг ҳолатини аниқлаш;
- грамматик тузумини текшириш.

Мазкур мезонларни аниқлаш учун проф. Л.Р.Мўминова ишлаб чиққан «Илк ёшдаги болаларни логопедик кўриқдан ўтказиш методикалари буйича ҳар чоракда 20 та бола текширилиб, болалардаги ўзгаршлар белгилаб борилмоқда. Олинган натижалар асосида болани нутқий ривожланиши ҳақида хулоса чиқарилади ва коррекцион-ривожлантирувчи логопедик дастур тузилади. Боланинг ота-оналарига (ёки тарбиячиларига) маслаҳатлар берилади. Боланинг ёшига, эга бўлган нутқ нуксонларига ҳамда ривожланмаганлик даражасига караб, махсус мактабгача муассасаларга йулланма ооиш бўйича тавсиялар қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси. – Т.: 2018
2. Содиқова Ш. Мактабгача педагогика. – Т.: 2017
3. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси. –Т.: 2006
4. Асқарова М. ва бошқалар. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш. – Т.: 2001
5. Ауирова. М Ҳ. Logopediya. – Т.: 2007